

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТАДБИРКОРЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН СОҲА ВАКИЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенг жорий этиш борасида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, республикаимизнинг иқтисодий кудрати ва экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшиб келаётгани, ўзининг ташаббускорлиги, билим ва тажрибасини яққол намоён этиб, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатаётгани, шунингдек, жамиятда ўзаро кўмак, саховат ва меҳр-оқибатни кучайтиришга қаратилган эзгу ишлардаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

- «Меҳнат шухрати» ордени билан**
Абдуллаев Баходир Тожимирзаевич — Чуст туманидаги «Tai Chang Special Steel» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти
- Муҳитдинов Батир Абдулхамитович** — Яшнобод туманидаги «Вакар Тех» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент шаҳри
- Нуритдинов Пахритдин Джамалович** — Қибрай туманидаги «Agro-Light Business» гулчилик хўжалиги раҳбари, Тошкент вилояти
- Тўйчиев Каримжон Зикриёевич** — Сирдарё туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Сирдарё вилояти
- Усмонов Ботир Сувонович** — Жондор туманидаги «Яккатут кластери» масъулияти чекланган жамияти раиси, Бухоро вилояти

- «Дўстлик» ордени билан**
Бабаева Холисхон Назиржоновна — Жиззах шаҳридаги «Al-Abbos silk» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

- Бобокулова Нодира Норбоевна** — Бойсун туманидаги «Камари Азиз» уй меҳмонхонаси раҳбари, Сурхондарё вилояти
- Бўлдиева Шоира Раджабовна** — Бухоро шаҳридаги «Ruxshana Tekst» хусусий корхонаси директори, Бухоро вилояти
- Бурхонов Рустамбек Равшанбек ўғли** — Хўжаобод туманидаги «Fazo Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти
- Джуманиязов Муминбай Аминович** — Тўрткўл туманидаги «Мустафа фарм» масъулияти чекланган жамиятининг шприц заводи директори, Қорақалпоғистон Республикаси
- Паттерсон Уильям Даниел** — Пахтакор туманидаги «Silverleaf» қўшма корхонаси бош директори, Жиззах вилояти
- Разаков Музаффар Махаматович** — Кўштепа туманидаги «Fergana Global Textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фарғона вилояти
- Рахимов Мухтардjon Нигматович** — Куйи Чирчиқ туманидаги «Қуёнчилик ва наслчилик агро комплекс» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти
- Солиева Зухра Адхамовна** — Тошлоқ тумани тадбиркорликка кўмаклашиш маркази раҳбари, Фарғона вилояти
- Хамраев Бахтиёр Джаббарович** — Навоий шаҳридаги «Gidro Stanko Servis» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти
- Эргашев Нурбек Хайдарович** — Қарши шаҳридаги «Sulton Tex Group» хусусий корхонаси директори, Қашқадарё вилояти

- «Шухрат» медаллари билан**
Азизов Насим Нематович — Янги Наманган туманидаги «Merrydmed farm» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Наманган вилояти
- Арифджанов Ботир Зукурович** — «Astrum IT» академияси таъсисчиси

- Ахмаджонов Шокиржон Носиржон ўғли** — Риштон туманидаги «Ахмаджонов Шокиржон Носиржон ўғли» кулполчилик корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти
- Ботиров Фарходжон Машраббоевич** — Фарғона вилояти «Agro Imprex Walley» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси
- Джалилов Улмас Василжанович** — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи
- Икромов Рустам Алиевич** — Жиззах шаҳридаги «Бону ширинликлари» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти
- Искандаров Йўлдош Отаевич** — Хива туманидаги «Йўлдош Маждид» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти
- Каримов Равшан Муродович** — Булунғур туманидаги «Metin Group Impeks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти
- Қаролов Санжар Исмоилович** — Қарши туманидаги «Қарши агрокластер» масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси, Қашқадарё вилояти
- Нийёзов Абдулқосим Алишерович** — Қумқўрғон туманидаги «Нийёзов Абдулқосим» хусусий корхонаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти
- Хакимов Ёдгоржон Турғунбоевич** — Шаҳрихон туманидаги «And-Chin Invest» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти
- Шакиров Алишер Рустамович** — Юқори Чирчиқ туманидаги «Texenergoremash» оилавий корхонаси директори, Тошкент вилояти
- Шарипов Исмоил Зарипович** — Қизилтепа туманидаги «Golden meva-sabzavot klaster» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Навоий вилояти

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 август

Ўзбекистон — Саудия Арабистони: Халқларимизни бир-бирига яқинлаштирувчи муҳим қадам

Ўзбек ва араб халқлари узоқ даврлардан буён маданий ва дипломатик муносабатларни амалга ошириб келади. Бизни диний эътиқод, муштарак урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Муносабат

17-18 август кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими — Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд тақлифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди. Давлатимиз раҳбари Саудия Арабистони расмий доиралари томонидан юксак даражадаги меҳмон сифатида қутиб олинди. Ташриф ислом дунёсининг энг муқаддас қадамжоларидан бири сифатида эъзозланадиган Мадина шаҳрида жойлашган муқаддас Масжидун Набавий зиёратидан бошланди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ислом цивилизацияси билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш қадамжоларини зиёрат қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон делегацияси учун расмий қабул маросими ташкил этилди. Юксак даражадаги ушбу тадбир Саудия Арабистони Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорлардан бири сифатида қарашини яна бир бор кўрсатди.

ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

Саудия Арабистони Подшоҳлиги истиклолнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистон билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлардан бири саналади. 2016 йилдан эса икки мамлакат ҳамкорлигида янги босқич бошланди. Ушбу даврда иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, инвестициявий алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди.

Икки томонлама дўстона муносабат ривожланишида фаол расмий ташрифлар ўзига хос аҳамиятга эга. Сабаби ҳар икки давлат ҳамкорлиги жараёнида Саудия тараққиёт жамғармаси билан Ўзбекистонда қатор йўналишлардаги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида имзоланган келишув муҳим ўрин тутди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 17-18 август кунлари Саудия Арабистонига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, қардошлик ҳамда ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиши, соҳалардаги икки томонлама шериклиkning фаоллашуви-га янги суръат бағишлаши мукаррар. Давлатимиз раҳбарини Саудия Арабистонининг Валиаҳд шахзадаси Мухаммад бин Салмон Ол Сауд қутиб олар экан, икки давлат ўртасидаги турли даражаларда-ги алоқалар анча фаоллашганини мамнуният билан қайд этди. Томонлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишди. Ишбилармонларнинг алоқалари учун янада қулай шароитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, таркибини диверсификация қилиш зарурлиги айtilди. Бу борада мамлакатимизда Саудия Арабистони фуқаролари учун визасиз туриб жорий этилиши муҳим қадамлардан бири бўлади. Президентимиз Саудиянинг етакчи компанияларини Ўзбекистондаги тижорат банклари, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш жараёнида фаол иштирок этишга чақирди.

Халқ қабулхоналари

СИНОВДАН ЎТГАН НОЁБ МЕХАНИЗМ

Бугунги кунда ўз тараққиёт йўлидан дадил бораётган мамлакатимизда халқ манфаатларини ҳимоялаш, уларни рози қилиш ҳамда инсонларнинг қадрини улуғлаш энг асосий мақсад ва устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб номланиши ҳам ана шу саноат-ҳаракатларнинг мантикий давоми, десак, муболага эмас.

Халқ қабулхоналари фуқароларнинг неча йиллик орзу-армонларини ушалтириш мақсадида ташкил этилди ҳамда бу мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш йўлидаги ишлари билан ўзини оқламоқда. Мазкур тузилма давлат органлари билан аҳоли ўртасида муҳим боғловчи восита бўлиб, очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, муҳожаатлар қонуний ва сифатли кўриб чиқишини таъминлашда самарали механизмга айланди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида биргина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар, Яқкасарой туманидаги Халқ қабулхонасига фуқаролар томонидан турли масалалар бўйича икки юздан ортиқ муҳожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг қарийб барчаси қаноатлантирилган, яъни уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилишига эришилди. Таъкидлаш жоизки, кейинги йиллар давомида синовдан ўтиб, тобора такомиллаштириб бориладиган ушбу механизм дунё ҳамжамиятига чинакам демократия йўлидаги муваффақиятларимиздан бири сифатида намоийш этилди. Асосийси, халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди.

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

ЎЗБЕКИСТОН — ОЧИҚЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ



Хитойлик инвестор Ли Хиан Грун хоним: «ЮРТДАГИ ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ЮТУҚЛАРИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА»

Хитойлик инвестор Ли Хиан Грун хоним дунёда металл-профиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати етакчиларидан саналади. Ли хоним 2018 йилдан буён Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилиб келади. Самарқанд шаҳридаги “Azia Metall Prof” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларидан бири. У жорий йилда Халқлар дўстлиги куни муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофоти “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.



Куйида Ли Хиан Грун хонимнинг фаолияти ҳақидаги фикрлари билан танишасиз:

Эътироф
— Мана, қарийб беш йилдирки, ҳаётимни Ўзбекистон билан боғла-

ганман. Биз инвестиция лойиҳамиз асосида турли ҳажм ва ўлчамдаги

металл-профиль маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

баб бўлса керак, бу ерда дўстларим низоҳатда кўп. Неча йилки улар билан бақамти, аҳил яшаб, ишлаб келаямиз. Президент Шавкат Мирзиёев Фармонига мувофиқ Халқлар дўстлиги куни “Дўстлик” ордени билан тақдирланишим очиги, қутилмаган воқелик бўлди. Мен бунни зўр гуруҳ ва ифтихор билан қарши олдим. Бундан кейин ҳам икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, дўстлик муносабатлари янада мустаҳкам бўлишига ўз ҳиссамни қўшаман. Фаолиятим ҳақида гапирадиган бўлсам, 2017 йилда шу ерлик Дамир жаноблари билан ҳамкорликда металл ишлаб чиқариш кластерини барпо этишга бел боғладик. Кейинги йили дастлабки ишлаб чиқариш қувватига старт берилди.



ЎЗБЕКИСТОН

ОЧИҚЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Зеро, бу юртининг одамлари бахт нима эканлигини жуда яхши билади. Бугуни, эртаси ва ундан кейинги ҳаёти ҳақида бемалол орзулар қилади, катта режалар тузади, фарзандларининг камолини кўзлаб улгўвор ишларга қўл уради. Энг муҳими, буларни мутлақо табиий жараён сифатида қабул қилади.

Аммо, афсуски, дунёнинг ҳамма давлатлари ҳақида ҳам бундай ёрғу фикрларини билдиролмаймиз. Масалан, Сурия, Ливия, Яман, Эфиопия... Машҳур файласуф Сенека айтганидек, урушлар — шукрати оламга ёйилган ёвузликдир.

Ҳа, бир пайтлар илм-фан юксак тараққий этган, таъбир жоиз бўлса, цивилизация марказларидан бири бўлган мамлакатлар бугун тамомам вайронга айланди. Минглаб одамлар она диёрини ташлаб, ўзга юртларда хору зор, сарсон-саргардон.

Нотинчлик, қуролли тўқнашув, жабр-zulмдан тинка-мадори қуриган хотин-қизларнинг тинмаётган кўз ёшлари... Қорни тўйиб-тўймаган, уст-боши юпун, тинчлик, бахт нималигини ҳис қилмайдиган, бундай буюк неъматдан мосуво бегуноҳ болалар нола-си... Ватангадўлик, хорлик, уруш уқубатларидан буткул тамга ботган қочқорларнинг аччиқ қисмати...

Бу мисоллардан чиқариладиган хулоса битта. Қайсики юртда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда тараққиёт бўлади.

Агар истиқлолнинг ўтган 31 йилгига назар ташласак, шаҳару қишлоқларимиз, ҳатто энг чека ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига ғувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик турфаили ҳонадонларда тўю томошалар, байрам ушодиёнарлар бўлмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак.

Экспертлар Ўзбекистон ҳақида

Рости, оқилона йўл тутилмаганда, зоқни кўзлаган сиёсат ва ислохотлар олиб борилмаганда, ён-атрофдаги мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва очик муносабатлар ўрнатилмаганда Марказий Осиёнинг ёрғу келажagini ҳам тасаввур қилиб бўлмасди. Аксарият халқаро экспертлар ва хорижий сиёсатчилар фикрича, бугун Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очкилиги ва жадаллиги билан ахрибли турган изчил, аниқ ва конструктив сиёсат юритмоқда. Хусусан, ХХР Иқтисодий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори, Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ҳамияти раиси ўринбосари Сун Чуянжи шундай эътироф этади: “Марказий Осиё бўйича эксперт сифатида таъкидламоқчиманки, минтақадаги барча ҳаётий муҳим масалалар — чегаралар хавфсизлигиндан тортиб, сув ресурсларини оқилона тақсимлашгача бевосита Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар даражасига боғлиқ. Йирик минтақавий лойиҳаларни, жумладан, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш минтақа давлатлари ўртасидаги фаол ҳамкорлиқни тақозо қилади. Бу борада Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувлари механизми муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу платформа минтақада барча соҳадagi ришталарни ривожлантиришнинг бош асоси бўлган дўстлик ва ишонч муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”.

Туркиядаги Кириккале университети профессори Муҳаммад Саваш Кафкаси Ўзбекистон ташқи сиёсати асосини конструктивизм, долзарб масалаларнинг

барча жабҳаси бўйича ҳамкорликка очкилик, шериклар билан ўзаро ва кўп томонлама форматдаги алоқаларни кенгайтириш ташкил этаётганини қувонарли ҳол деб атайди. “Бундай кенг қамровли ёндашув натижасида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий стратегияси бугунги кунда долзарб глобал муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшиш учун мумкин бўлган шерикларнинг барча спектри бўйича конструктив ўзаро алоқаларни максимал даражага кўтаришга қаратилган янги мазмун билан бойимокда”.

Изчил, аниқ ва конструктив сиёсат дўстлик ва ишонч гарови

Ҳозирги замонда глобал миқёсда шиддатли ўзгаришлар юз бермоқда, халқаро майдонда қучларнинг янги нисбати шаклланимоқда. Шу билан бирга, янги таҳликарлар пайдо бўлмоқдаки, бу ҳолат дунё давлатларини юзага келаётган муаммоларга муносиб ечим топиш, сиёсий ва иқтисодий стратегияларни янгилашга мажбур этмоқда. Ушбу жараёнлар Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонга ҳам дахл қилмай қолмайди.

Шундай экан, дунёдаги жараёнлар мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий курсини белгилаш ва амалга оширишда чуқур таҳлил қилинмоқда ҳамда инобатга олинмоқда. Жаҳон айёнидаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳлиладан қатъи назар, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор иқтисодий-иқтисодий тараққиёти ҳамда барча фуқароларимиз фаровонлиги ишончли тарзда таъминланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллигини изчил ички ислохотлар ва жадал, очик, вазмин ташқи сиёсат билан кутиб олмақда. Мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган очкилик, инновация ва янгиланишлар, шунингдек, иқтисодий либераллаштириш, бозорни ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, таълим ва маърифат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор — буларнинг барчаси, шубҳасиз, юртимиз ташқи сиёсатига таъсир ўтказмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий очкилиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммолари масалаларни яқдиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиш, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиш, сиёсий ишонч ва халқаро ҳуқуққа риоя этилиши асосидаги ҳамкорлиқ интилиш Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курснинг бугунги инъикоси.

Ташқи сиёсат ҳақида сўз борганда, дунёнинг турли мамлакатлари билан икки томонлама алоқалар назарда тутилди. Аммо ташқи сиёсатда қандай асосий вазифаларга ечим топиш кераклигини ҳам эътибор қаратиш жоиз, назаримизда. Улардан энг муҳими, давлат ва жамяиятнинг муваффақиятли ички ривожланиши, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш, ислохотларни амалга ошириш, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишини таъминлаш, ҳаёт сифатини кўтариш учун қулай ташқи шароитни яратиш ҳисобланади. Яна бир зарур вазифа — Ўзбекистон атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш. Айнан мамлакатимиз жойлашган минтақадаги хавфсизлик барқарор ривожланишнинг энг асосий шартидир.

Марказий Осиё — устувор ташқи сиёсий йўналиш

Айни вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари, бевосита қўшниларимиз билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди. Ўзбекистон раҳбари ташаббуси асосида сўнгги беш йилда минтақанинг барча мамлакатлари билан олий даражадаги таширлар алмашинуви амалга оширилди. Минтақа давлатлари етакчилари ўртасидаги сиёсий мулоқот ўзаро ишончга асосланган мунтазамлик ва доимийлик касб этди. Бундай мулоқотлар давомида Марказий Осиё давлатларини қизиқтирадиган хавфсизлик, иқтисодий, инвестиция, туризм, маданият, соғлиқни сақлаш, сув-

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 31 йиллигини изчил ички ислохотлар ва жадал, очик, вазмин ташқи сиёсат билан кутиб олмақда. Мамлакат ички ҳаётида кузатилаётган очкилик, инновация ва янгиланишлар, шунингдек, иқтисодий либераллаштириш, бозорни ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, рақамлаштириш, янги технологияларни жорий қилиш, таълим ва маърифат, фуқаролар фаоллиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор — буларнинг барчаси, шубҳасиз, юртимиз ташқи сиёсатига таъсир ўтказмоқда.

дан биргаликда, оқилона фойдаланиш ва экология соҳаларида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муҳим қўшма қарорлар қабул қилинмоқда.

Натижада тарихан қисқа вақтда Ўзбекистоннинг минтақадаги барча давлатлар билан муносабатлари тубдан яхшиланди. Давлат раҳбарлари ўртасида очик ва ишончли сиёсий мулоқотнинг мустаҳкамланиши натижасида қўшнилар билан муносабатларда 2016 йилгача мавжуд бўлган қўллаб-мураккаб муаммоларга ечим топилди. Президентлар ўртасидаги ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Шу билан бирга, биз яқин қўшниларимиз ҳақида гапирганимизда, нафақат Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни, балки Афғонистонни ҳам назарда тутамиз. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланади, “Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизация маконда яшаб келган”.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда. Афғонистон хавфсизлиги мамлакатимиз хавфсизлиги ва бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги кафолати, деб қабул қилинади.

Давлатимиз ташқи сиёсатининг замонавий устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан стратегик алоқалари ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон тараққиётнинг тарихий ва ҳал этувчи босқичидан ўтиб бормоқда. Мамлакатда иқтисодий-иқтисодий ва иқтисодий-сиёсий ислохотларнинг мисли қўрилмаган кенг қўламли дастури амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, 2035 йилга бориб Ўзбекистон дунёнинг 50 та иқтисодий ривожланган мамлакат қаторига киришга хизмат қилади. Ушбу мақсадга фақат жаҳон иқтисодий ва молиявий

таъсирга муваффақиятли ва изчил интеграциялашув орқали эришиш мумкин.

Ўзбекистон дунёнинг Россия, АҚШ ва Хитой каби етакчи давлатлари, Осиё — Тинч океани минтақасидаги ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси ва Япония, Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи, араб-мусулмон ҳамда туркий тили давлатлар билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кўп векторли ташқи сиёсат самараси

Иккиланмай айтиш мумкин, Ўзбекистоннинг очкилик ва кўп векторли сиёсати ўзининг самарасини берди. Энг аввало, Президент Шавкат Мирзиёевнинг энг муҳим халқаро ташаббусларидан бири — БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон

қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги тақлифи амалга ошди. Ушбу ташаббус халқаро миқёсда кенг тан олинди ва минтақанинг барча давлатлари раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди. Ана шундай шаклдаги илк учрашув 2018 йили Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви эса 2019 йил 29 ноябрь кунини Тошкент шаҳрида, учинчиси Туркменистоннинг Аваза шаҳрида 2021 йили, тўртинчиси Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида шу йил июль ойида ўтказилди.

Марказий Осиёда минтақавий яқинлашуving ҳозирги тенденцияси — тарихий воқелик. Сиёсат, хавфсизлик, барқарорлик ни сақлаш ва тараққиёт соҳаларида минтақавий ҳамкорлиқни фаоллаштириш қўшни мамлакатлар халқларининг туш манфаатларига жавоб беради, улар ўртасидаги биродарлик ришталарининг янада мустаҳкамланиши, минтақанинг улкан иқтисодий ва цивилизациявий салоҳиятини тўлиқ намоён этишга хизмат қилади.

Боз устига, Ўзбекистон томонлар ўртасидаги мулоқотга қўмаклашиб, Афғонистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ва илгари суришда фаол иштирок этмоқда, шунингдек, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамда халқаро савдо-иқтисодий муносабатларга жалб қилишга ёрдам берадиган муҳим иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари афғон заминидида тинчликка эришиш билан чамбарчас боғлиқлигини англашга асосланади. Таъкидлаш жоизки, Афғонистондаги тинчлик жараёни узоқ вақт давомида боши берк қўнда қолиб кетди. Бундан ҳам ачинарлики шундаки, Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги бошқа инқирозли вазиятлар фониди Афғонистондаги уруш жаҳон ҳамжамияти эътиборидан бутунлай четда қолди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан дунё миқёсидаги ушбу ўткир муаммони халқаро ҳамжамият кўн тартибига қайта кириштишга эришилди. 2018 йил 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Афғонистон муаммосини ҳал қилишга бағишланган кенг қамровли форум биринчи марта юқори даражада ўтказилди. Орадан тўрт йил ўтиб, ушбу муҳим анжуманининг мантиқий давоми сифатида шу йилнинг 25-26 июль кунлари Президентимиз ташаббуси билан “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусида йирик халқаро конференция ташкил этилди.

Тошкент конференцияси муваффақиятли ўтди, дейишга асослар бор. Зеро, Афғонистондаги моҳирони ҳал қилишга қўмаклашиб, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш масаласи ва афғон муаммосини ҳал этишдаги стратегик қарарларига, шунингдек, давлати-миз раҳбари томонидан мамлакат ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинганига асосланади. Тошкент конференциясининг асосий натижаси ва муваффақияти — афғон инқирозини ҳал қилиш, уни минтақавий интеграция жараёнларига жалб этиш масаласида умумий халқаро ёндашувини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга эришилганидир.

Тошкент конференцияси ва умуман, Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати афғон моҳаросига ечим топиш бўйича фаоллашадиган, тинчлик жараёнини илгари суришга қаратилган минтақавий савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга ушбу мамлакатни жалб қилишга олиб келди.

Халқаро ташкилотлардаги фаоллик

Ўзбекистоннинг турли қитъалардаги қўллаб-даватлар билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги беш йилда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги интеграция жараёнлари бўйича иштирокини фаоллаштирди. Тошкент МДҲ доирасида кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДҲ-нинг 84 органидан 40 дан ортиғида иштирок этмоқда. Негаки, уларнинг мақсад-вазифалари миллий манфаатларимизга жавоб беради. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон МДҲ Иқтисодий кенгаши, Ҳамдўстлик Парламентлараро Ассамблеяси ва МДҲнинг 18 та соҳавий органига қўшилди. 2020 йилда Ўзбекистон МДҲ ташкил топганидан буюн биринчи мартаба Ҳамдўстлик раислигини қабул қилгани ва уни муваффақиятли амалга оширгани кўн нарсадан далолат беради.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) фаолиятига ҳам фаол иштирок этмоқда. Тошкентнинг ташкилотдаги янги фаол курси шарофати билан 2017 йилдан буюн Ўзбекистоннинг ШХТдаги хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, илм-фан, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор ташаббуслари амалга оши-

рилди. Хусусан, беш йил ичида Ўзбекистон ШХТ доирасида 50 дан ортиқ тақлиф ва ташаббусларни илгари сурди. Мамлакатимиз ташкилотга раислиги давомида ҳозирги кунгача 100 дан зиёд турли тадбирлар, вазирлар ва идоралар учрашувларига мезбонлик қилди. Ўзбекистон ШХТда янги платформаларни яратиш бўйича ташаббускорга айланди. ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг учрашуви, Самарқанд шаҳридаги “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетини ташкил этиш, “ШХТ эзгу нияти элчиси” фахрий унвонини таъсис этиш тақлифи шулар жумласидан.

Ўзбекистон очик ташқи сиёсатини жадал илгари суришни бошлаши билан мамлакатимиз етакчи давлатлар билан “Марказий Осиё + Россия Федерацияси”, “Марказий Осиё + Хитой Халқ Республикаси”, “C5 + 1” (АҚШ), “Марказий Осиё + Япония”, “Марказий Осиё + Корея Республикаси”, “Марказий Осиё + Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги доирасида минтақавий мулоқотнинг турли форматларини ривожлантиришда сермахсул иштирок этмоқда. Бундай форматларнинг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар архитектура, сиёсий ва иқтисодий ўзаро боғлиқлиқнинг глобал жараёнлари, минтақавий ва халқаро хавфсизлик таъминини шакллантиришда Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини кўрсатади.

Инвестиция ва технологияларини жалб этиш, маҳаллий экспортни кенгайтириш, ташқи бозорларда миллий компаниялар брендини илгари суриш, юртимиз иқтисодиётининг рақобатбардорлигини мустаҳкамлаш, туризмни ривожлантириш ташқи сиёсатимизнинг иқтисодий йўналишидиган дипломатиясининг энг асосий вазифасидир. Бу борада халқаро ишбилармон доиралар билан алоқаларни фаоллаштириш, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа йирик халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни жадаллаштиришга истиқболли имконият сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистоннинг 2019 йил 15 октябрь кунини Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ҳозирги Туркий давлатлар ташкилоти)га аъзо бўлиши туркий цивилизациянинг ривожланишида юртимизнинг тарихий роли ҳамда Тошкентнинг кўн томонлама дипломатияси фаоллашувини нуктаи назаридан муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон ўтган қисқа даврда Туркий давлатлар ташкилотидagi иштироки доирасида қатор муҳим ташаббусларни амалга оширишга эришди. Хива шаҳри “Туркий дунёнинг маданият пойтахти” деб эълон қилинди, Ташкилотнинг COVID-19 пандемиясига қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳи ва Транспорт соҳасида ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи ташкил қилинди. Мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ташкилотидида иштироки нафақат Марказий Осиё, балки Кавказ ва Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларнинг ривожланиши ва кенгайтишга хизмат қилади. Бу билан маъзур минтақалар транспорт-логистика йўналишларини ўзаро боғлаш учун янги истиқболлар очилмоқда, ҳудудлараро савдонини ривожлантириш билан бирга мамлакатларга янги бозорларга чиқиш, транспорт йўлакларини диверсификация қилиш имкони яратилмоқда.



Абдуғани СОЙБЕНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони:

ХАЛҚЛАРИМИЗНИ БИР-БИРИГА ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мазкур тарихий ташрифни мамлакатимизнинг дўстлик ва шериклиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган ташқи сиёсатининг улкан ютуғи бўлди, дейиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони раҳбарларининг бу учрашуви томонларнинг ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотининг мантиқий давоми бўлишидан ташқари, икки мамлакат манфаатларига хизмат қиладиган воқеликларга бой бўлди.

Маълумки, мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу гапни мулоқот ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар яратиб берди.

Дарҳақиқат, олий даражадаги музокаралар қарашлар ва интилишлар муштараклигини яққол на-

моён этди. Саудияда “Нигоҳ — 2030” давлат дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани юксак баҳоланди. Негаки, у жамяият ҳаётининг барча жабҳасини трансформация қилишга қаратилган Тараққиёт стратегиясининг мақсад ва вазифаларига ҳамохандир. Давлатларимизда рақамли ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларини жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Музокалар якунида энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари ва транспорт соҳаларида умумий қиймати 14 миллиард доллардан ортиқ бўлган келишув ва шартномалар имзоланди.

Икки давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви Ўзбекистон-

нинг ташқи дунё билан мулоқот-тидаги яна бир улкан ютуғи ҳисобланади.

Кези келганда, мазкур ташриф Ўзбекистоннинг энергетика соҳасини ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очганилигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Қолаверса, юртимизда ишлаб чиқарилаётган товарларни экспорт қилишда Яқин Шарқ минтақасида яна бир улкан бозор вуҷудга келишига туртки бериши билан янада аҳамиятлидир.

Умуман, ушбу мулоқот икки давлат ўртасидаги муносабатларга янгича суръат бағишлашдан ташқари, халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Абдуғани САГИНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

Т а ш р и ф н и г аҳамиятли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиғи ўртасида кенг қамровли шериклик муносабатларини янада кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилингани бўлди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари ўртасида энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари каби соҳаларда ҳамкорликка доир қабул қилинган 15 та ҳужжат икки мамлакатнинг ўзаро алоқаларида тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Албатта, Ўзбекистоннинг дунёга дўстона қўл очаёт-

гани, дўстлик, қардошлик ва ўзаро тенг шериклик асосида қўллаб-мамлакатлар билан ришталар мустаҳкамланаётгани эътиборга молик. Зотан, дўстлик, қардошлик қудратли қучга эга. Ривожланиш, тараққиёт ва мамлакатлар истиқбол бири-бирини тушуниш, бири-бирига дўстона қўл узатиш билан чамбарчас боғлиқ.

Шу нуктаи назардан, икки давлат раҳбарлари учрашувларининг натижалари сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ўзига ҳос пойдевор бўлади.

Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Хитойлик инвестор Ли Хяан Грун хоним:

«ЮРТДАГИ ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ ЮТУҚЛАРИМИЗГА ҚАНОТ БЎЛМОҚДА»

Бизнинг компаниямиз ҳозирги кунга қадар 33 млн. АҚШ доллари ҳажмида инвестиция ишларини амалга оширди. Ўзбекистонда тадбиркорларга яратилган шарт-шароит ва имтиёزلардан руҳланиб, лойиҳамизни янада кенгайтириш мақсадида қиймати 78 млн. АҚШ доллари миқдоридида инвестиция лойиҳаларини юзага чиқаришга қарор қилдик.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этилаётган қорхона дунёнинг энг илгор технологиялари ҳамда ускуналари билан жиҳозланади ва замонавий

юқори технологияларга асосланган металл саноат парки барпо этилади.

Яқинда Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллиги кенг тантана қилинади. Улуг айём муносабати билан халқингизни чин юракдан табриклаб, юртингизга иқтисодий юксалиш, тўқиллик ва фаровон ҳаёт тилайман. Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкам бўлсин!

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИДАН МАҚСАД — ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МУНОСИБ МЕХНАТ ШАРОИТИ ЯРАТИШ

Сир эмас, “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкотнинг бекор қилиниши йўлида илгари ҳам уринишлар бўлган эди. Ушбу масала Президентимиз бошлаган кенг қўламли ислохотлар натижаси билангина ечим топди. Бойкот бекор қилиниши юртимизда, аввало, ҳудудларда миллионлаб янги иш ўринлари яратишга, янги бренд ва технологиялар кириб келишига, халқаро бозорларга тўсиқларсиз чиқишга, янги инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга кенг йўл очмоқда.

Таҳлил

Юзага келган имкониятдан самарали фойдаланиш, биринчи навбатда, мамлакатимиз энгил санаят ва шароит яратмоқда. Энди пахтани ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш ва сотиш, шу зайдда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш мумкин бўлади. Бу борада ҳамма гап корхоналардаги салохиятни кўтариш, сўнгги русумдаги технологияларни ўзлаштириш, иш тартибини, ишловчиларга муносиб шaroитлар яратиш масаласини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда қояпти.

Олий Мажлис Сенати мазкур масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида энгил санаят ва чарм санаяти корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати юзасидан юборилган парламент сўрови ижроси доирасидаги масала қизгин ва дахлдорлик билан қўриб чиқилди.

Таъкидлаш мумкинки, парламент сўровида қўйилган масалаларни ҳал этиш учун ҳар икки соҳа корхоналарида ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Ҳукумат томонидан хотин-қизлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш бeрyвчилар ўртасида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш тўғрисида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва ижрога қаратилган.

Республика бўйича меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш бeрyвчи ва ходимларнинг ҳуқуқий он-гини ошириш мақсадида 800 дан



меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалда 60 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлса-да, улар хатловдан ўтказилиб, бугунги кун талаби асосида тақомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмаган.

Ваҳоланки, қўмитамиз экспертлари иштирокида қўриб чиқилганда, корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини бошқариш бўйича Низомни, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат шароитларига минимал талабларни, иш ўринларида хавф-хатарларни таснифлаш, аниқлаш, баҳолаш ва уларни бошқариш тартибини, чармни қайта ишлаш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, “Чарм санаяти корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бeпyл бeришнинг намунавий нормалари”ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга эҳтиёж борлиги аниқланган.

Қолаверса, соҳа корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ваколатли давлат органлари ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бeриш йўлга қўйилмаган.

Тўқимачилик корхоналарида аёллар меҳнат қиладиган 47,9 фоиз, чарм санаяти корхоналарида ишлайётган 66,6 фоиз иш ўринларида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори республикадаги иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан бир неча баробар кам экани ҳам маълум бўлди.

Маошлар камлиги кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаряпти. Айтайлик, кадрлар қўнимсизлиги ўртача 20 — 25 фоизни ташкил қилаётган бўлса, баҳор, ёз ойларида ишчиларнинг қишлоқ ҳўжалиги йомушларига, кўнлик ишларга қиқиб кетишлари қўнимсизлик муаммосини янада ўткир қилиб қўймоқда.

Фаолияти ўрганилган айрим корхоналарда Меҳнат кодекси билан белгиланган “Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бeриладиган қўшимча қаролатлар” татбиқ этилмапти.

Масалан, меҳнат муносабатларини қонуний расмийлаштириш, таътилар бeриш, аёлларга йиллик таътиларини бeриш навбатини белгилашда имтиёзлар белгилаш, болалар аёлларга фарзанди икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун таътил бeриш борасида камчиликлар мавжуд.

Шунингдек, иш бeрyвчилар томонидан ишларни хавфсиз бажариш ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тегишли йўриқномалар ишлаб чиқилмаган. Фаолияти ўрганилган чарм санаяти корхоналарининг 50 фоизиди, энгил санаят корхоналарининг 25 фоизиди ҳатто меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тарғиб қилувчи қўғазмалар воситалар ҳам ўрнатилмаган.

Ўрганилган тўқимачилик ва чарм санаяти корхоналарининг 63 фоизиди меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича лавозим жорий этилмаган ёки корхона раҳбарларининг бирига бу вазифа юклатилмаган.

Қатор корхоналарда иш бeрyвчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат-га оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга доир муносабатларни тартибга солувчи жамоа шартномаси имзоланмаган. Бунга сабаб энгил санаят корхоналарининг 70 фоизиди ва чарм санаяти корхоналарининг 85 фоизиди ходимлар ижтимоий ҳимояси билан шўғулланадиган касабга уюшмаси ташкилотлари тўзилмаганидир.

Тадбиркорлик

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИГА КЕНГ ЙЎЛ

Бизнесини амалга ошираётган тадбиркор учун ишлаб чиқаришни ташкил этиб, маҳсулот ва хизматлар бозорига кириб олиш, оддий айтганда, фаолиятни йўлга қўйишнинг ўзи қийон қилмайд. Чунки орада технологияни янгилаб бeриш, рақобатга дош бeриш, ҳомаёш таъминоти, экспорт-импорт дeган масалалар кўндаланг туради. Баъзи ҳолатларда бу муаммага айланиб, фаолият барқарорлигига таъсир ўтказди. Аммо тадбиркор ана шу хатарларнинг ҳаммасига тайёр туради. Шунинг учун ҳам бу соҳа вакиллари жамятиятимизнинг, бугунги ва кeлажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақам таъниҳи сифатида эътироф этилмоқда.

Бинобарин, қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Давлатимиз томонидан тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилаётган устувор эътибор соҳанинг жадал раванқ топиши, ишбилармон доираларнинг истиқболли лойиҳалари ижросига кенг йўл очмоқда.

Асосийси, бунинг тасдиғини ўз бизнесини барқарор йўлга қўйиб олган тадбиркорлар эътирофидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Маъсуда СОДИҚОВА, Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» кўп тармоқли хусусий фирмаси раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Ишбилармонлиқни мустақилликнинг дастлабки йилларида бошлаганман. Жамиятимиз учун янгилик бўлган соҳанинг ҳаётдан мустақам ўрин эгаллаши осон бўлмаган. Расмийлаштириш, қонун ва хавфсиз меҳнат шароитларини тўлиқ ва етарли даражада ижро этишга қаратилган қарори қабул қилинди. Зеро, парламент сўровидан мақсад — хотин-қизларга муносиб меҳнат шароити яратишдан иборат.

Муҳомадалардан келиб қиқиб, Сенатнинг энгил санаят ва чарм санаяти корхоналарида хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг меҳнатига муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларда иш бeрyвчиларнинг масъулиятини ошириш, мазкур парламент сўровида қўйилган вазифаларни тўлиқ ва етарли даражада ижро этишга қаратилган қарори қабул қилинди. Зеро, парламент сўровидан мақсад — хотин-қизларга муносиб меҳнат шароити яратишдан иборат.

Дилшод ИСМАТУЛЛАЕВ, Чўст туманидаги «Chust Textile» масъулият чекланган жамияти раҳбари:

— Бугун тадбиркор ҳеч қандай тўсиқсиз давлат рўйхатидан ўтиб, ўз бизнесини йўлга қўйиши, эркин фаолият юритиши мумкин. Биласиз, тадбиркорга энг аввало, эркинлик керак. Шу маънода, унинг ишига ҳудуд-беҳуду ара-лаштишга чек қўйилгани айни мурдао бўлди. Энг муҳими, қонунлар ишланганди. Ишимиз юришгани сари янги-янги қоялар туғилмоқда.

2019 йилда бизга “Наманган” эркин иқтисодий зонасида 15 гектар ер ажратиб бeрилган эди. Бу ерда қисқа мурдат ичида унча мураккаб бўлмаган констракциялар ёрдамида замонавий ишлаб чиқариш корхонасини барпо этдик. Охириги лойиҳа ижроси билан ходимлар сонини 2 минг нафарга етди.

Асосийси, кўп минг кишилик жамоага муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб бeриш доимий эътиборимизда. Яқин вақт ичида тураржой бинолари ва бошқа ижтимоий иншоотлардан иборат замонавий шаҳарча барпо этишга киришамиз.

Мамлакатимизда кенг нишонланган Тадбиркорлар кўни билан барча ҳамкасбларини қизгин муборакбод етаман.

Акмалжон УБАЙДУЛЛАЕВ, Учқўрғон туманидаги «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси:

— Маҳалланинг ўсиш драй-ерини сифатида балиқчиликни танлаганимиз. Бу борада 1 миллиард сўм қийматга эга лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг ижроси доирасида босқичма-босқич 35 нафар доимий ва яна шунча кооперация асосида ишчи ўрни яратилмоқда. “Учқўрғон форель балиқлари” МЧЖда эса 34 миллиард сўмлик йирик лойиҳа ҳисобига 700 иш ўрнига эга кооперация фаолият олиб бeряпти.

Очилини айтганда, жойларда ҳоким ёрдамчиси лавозимни ташкил этилганлиги амалий натижасини бeраёттир. Бунда, биринчи навбатда, ушбу лавозим эгалари тавсияси билан зарур ҳол-

ларда ишбилармонларга кредит ва субсидиялар ажратилиш белгилаб қўйилганлиги маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг янги имкониятларини юзага келтиряпти.

Халқимизда “Иш билганга минг танга”, дeган ҳикматли гап бор. Шундай экан, қўнғилда туғилган қоясини эмин-эркин амалга ошириб ҳам ўзи, ҳам жамият учун наф келтир-раётган тадбиркор юртдошларимиз сафи янада кенгайиши, уларнинг ишларига омадлар ёр бўлишини тилайм.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Нуқтаи назар

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрнини мустақамлаш, иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминлашда миллий иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини инновацион ривожлантириш устувор аҳамиятга эга.

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

таълим тизими тараққиётида ҳам ижобий самара бeради



Шу маънода, сўнгги йилларда инновацион жараёнларни ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ҳўжатдан тақомиллаштириш, меъёрий-ҳуқуқий базасини мустақамлаш борасида узлуксиз ислохотлар олиб бeрилмоқда. Бу жараёнларда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонун муҳим ҳўжат сифатида тармоқни ривожлантириш билан бирга, муносабатларни тартибга солмоқда. Шу ва бошқа тегишли ҳўжатлар жамиятимизнинг барча соҳасини илм-фан ва инновацияларга асосланган ҳолда ривожлантириш борасида зарурий инновацион инфрақурилмани шакллантириш имконини бeраёттир.

Ушбу йўналишда катта ютуқларга эришилган бўлса-да, олдимизда иқтисодиётнинг реал секторида илмий ҳамда инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш даражасини ошириш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни қу-қайтириш вазифалари тургани ҳам айни ҳақиқатдир. Бу борада Тараққиёт стратегияси мақсадлари ҳамда инновацион ривожланишнинг янги босқичини ўзида жамлаган 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси тасдиқлангани айни мурдао бўлди.

Эътиборлики, ушбу ҳуқуқий ҳўжатларда Фарғона давлат университети профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилар, ёш докторантларининг умумий қиймати 2 миллиард 836 миллион сўм бўлган жами 19 та лойиҳаси тасдиқланиб, жорий йилнинг декабрь ойига қадар ижрога йўналтирилиши белгиланган.

Жумладан, Фарғонанинг ўртача шўрланган тупроқларида силлиқ ширинини (*Glycyrrhiza glabra*) ўсимлиги илдииз тизими махсуддорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқил ҳамда амалиётга татбиқ этиш; қора седана етиштириш ҳамда қайта ишлаш технологияси лойиҳаси; доривор ўсимлик — валерианиа етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқилш ҳамда касалликларини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари учун ҳомаёш тайёрлаш; қишлоқ ҳўжалигида етиштирилаётган мева қичқиндиларидан даволовчи воситалар тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш; Фарғона вилоятда тарқалган *Cistanche mongolica* ўсимлигидан биологик фаол

Баҳоқидир ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

СИНОВДАН ЎТГАН НОЁБ МЕХАНИЗМ

Президентимиз аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгилаш ташкил этиш, яъни одамларни мурожаат йўлашга мажбурлаётган муаммоларга маҳалланинг ўзида ечим топиш зарурлигини, масалаларни уйма-уй юриш орқали аниқлаб, ҳал қилиш, давлат органларининг аҳоли билан бе-восита ишлашини назарда тутувчи янги тизим жорий этилишини таъкидлаганди. Шу маънода, маҳаллий бошқарув органларининг жойларда муаммоларга ечим топишдаги роли ва масъулиятини янада қучайтириш вазифаси қўйилмоқда. Давлат функцияларининг катта қисмини марказдан ҳудудларга ўтказиш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, аёллар фаоли ва ёшлар етакчиси лавозимлари жорий қилиниб, фаолияти йўлга қўйилди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги тўб ислохотлар давлат органлари ва мансабдор шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинлиқларини қўллаб-қувватлаш ва

уларни ҳимоя қилиш борасида масъулиятини ошириш зарур эканлигини қўрсатди.

Мазкур вазифаларнинг тизимли хусусиятга эга эканлиги жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ҳамда оғзаки мурожаатларини қўриб қиқишни ташкил этиш тартибини тақомиллаштириш бўйича талабларни шакллантиради. Мурожаат қилиш инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири, шундай экан, уни амалга оширишни таъминлаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Умуман, фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳўжатлари Ўзбекистонда умумэтироф этилган демократик кадриятлар, халқаро актлар талаблари ҳамда Конституциямиз асосида ҳаёт зайлига қараб тақомиллаштиб бeрмоқда. Буларнинг барчаси инсон қадр-қимматини янада улғулаш, аҳолини қўллаб-қувват-



лашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида айтганда, Халқ қабулхоналари одамлар муаммоларини ҳал қилиш, уларга ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда ечим топишда ўзига хос идорига айланиши бугунги давр талабидир.

Акмалжон ИСАБОВЕ, Яқкасарой тумани Халқ қабулхонаси мудир.

Жараён

Бу жараёнда фуқаролардан тушган кўплаб мурожаатларни қонун доирасида ҳал этиш чоралари қўрилади. Ортиқча вақт талаб қиладиган масалалар эса назоратга олиниб, уларнинг ечими юзасидан тегишли вазирликларга депутатлик сўрови юборилади.

Жарқўрғон туманидаги халқаро аҳамиятга эга “М-41” автомобиль йўли бўйидаги ҳолат ҳам шулардан биридир. Меҳнат-Рохат, Қорақурсок, Истиқлол, Нефтичлар сингари маҳалалар ҳудудидан ўтувчи ушбу авто-

мобиль йўлида (1578 км.) мактабга-ча таълим ташкилотлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, савдо ва овқатланиш шохобчалари бор. “М-41” автомобиль йўлининг айнан шу қисми энг серкатнов ҳисобланиши баробарида, атрофда аҳоли ҳам гaeвжм.

Жарқўрғон — Қақайди автомобиль йўли бўйида ҳам қатор муассасалар, деҳқон бозори ва жоме масжиди жойлашган. Шу йўлнинг чети пиёдалар энг қўр қақатланадиган жойлардан, албатта. Ўтган йиллар давомида бу ҳудудда анчагина йўл-транспoрт хо-ди-

салари содир бўлиши натижасида унлаб фуқаролар ҳаётдан қўз юмгани ачинарлидир.

Бундан бирмунча вақт муқаддам бундай аянчали ҳолатларнинг олдини олиш учун сайловчилар томонидан юқорида қўрсатилган автомобиль йўлларининг серкатнов қисмида пиёдалар йўлакчаларини ташкил этиш, кeсиб ўтиш мумкин жойларга светoфорлар ўрнатилиш, шунингдек, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашнинг қатъий чораларини қўриш юзасидан амалий ёрдам сўралган мурожаат келиб тушганди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фаҳриддин Самадов ушбу масалани ўз назоратига олиб, мазкур мурожаат юзасидан ички ишлар вазирига депутатлик сўрови юборди.

Тез орада тилга олинган манзилда амалий ишлар бошлаб юборилди. Жарқўрғон тумани ҳудудидан кeсиб

ўтувчи Бишкек — Душанбе — Термиз автомобиль йўлининг 1578 километ-ридаги пиёдалар ўтиш жойи қатнов қисмидаги 5.16.1, 5.16.2 йўл белги-лари ва 1.14.1 — 1.14.3 йўл қизикларни қайта тикланди.

Эътиборли томони, ушбу автомобиль йўлининг ёнида жойлашган 5-мактабгача таълим ташкилоти, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият қўрсатиши инобатга олиниб, янги намунадаги 5.46 йўл белгиси ўрнатилди.

Энди ҳайдовчилар ушбу ҳудудда 30 километр тезликда ҳаракатланади. Жарқўрғон — Қақайди автомобиль йўлининг 9-километри 400 пекитидаги оилавий нодавлат МТТ ва 10-кило-метри 100 пекитидаги Ҳўжа Самандар Термизий жоме масжиди ёнидан ўтувчи йўл қисмига ҳам пиёдалар қизиги ва йўл белгиси ўрнатилди.

«Халқ сўзи».

ҲАМ УЛУҒ БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ, ҲАМ ИЛМГА РАҒБАТ

Улуғ олим Имом Қасталоний бундай деган: “Имом Бухорий асарлари қуёш етган жойгача етиб борди. Дунёнинг ҳамма ерини эгаллади. Унинг фазлини ҳеч ким инкор қилолмайди. Асарларининг энг улуғи — “Жомиус саҳиҳ”дир”.

Акс садо

Дарҳақиқат, бутун ислом ола-ми ўн икки асрдан зиёд вақт давомида “Саҳиҳул Бухорий”ни Қуръони каримдан кейинги энг муътабар манба сифатида эъти-роф этиб, буюк муҳаддис бобо-мизни эъзозлаб келади.

Шу маънода, Президентимиз-нинг 15 август кунини Ўзбекистон Республикасининг “Имом Бухорий” орденини таъсис этиш тўғрисида”ги Қонунига имзо чек-кани халқимиз қалбига алоҳида сурур ва мамнуният бахш этди. Юртимизда, гарчи макбараси ат-рофи ободонлаштирилиб, номида-ғи мажмуада улкан реконструкция ишлари олиб борилаётган бўлса-да, ушбу буюк зот номи билан аталувчи, ёш авлодни илмга рағ-батлантиришга хизмат қилувчи давлат мукофоти шу пайтгача таъсис этилмаганди.

Бугун мамлакатимизда кўплаб Қуръон ҳофизлари, ҳадис илми билимдонлари, фақиҳлар етишиб чиқмоқда. Хўш, уларнинг халқ ва давлат олдидаги хизматлари, илм-фан ривожига қўшаётган ҳис-саси нима билан тақдирланиши мумкин эди?! Энди биз, ислом илмларини тараққий эттираётган, турли оқимларга қарши муносиб раддиялар бераётган, гоёвий бузғунчиларни рўйроост фош этаётган, ислом маърифати орқали

Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Имом Бухорий
халқаро илмий-тадқиқот
маркази директори.

ИЛМҲИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХГА ОЙДИНЛИК КИРИТМОҚДА

Аввал-азалдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, диний қарашлари, ҳаёт тарзи, анъаналари умумийлик ва ўзига хосликка эга бўлган, “Туркистон”, “Ўрта Осиё”, “Марказий Осиё” номлари билан машҳур минтақа халқларининг ўзаро қардошлик алоқалари кейинги йилларда тамомила янги bosқичга кўтарилди.

Ўзбекистоннинг Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатлари билан яхши

қўшничилик муносабатлари, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги тобора янги-янги йўналишлари қамраб олмоқда. Шу жиҳатдан олганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ҳамда унинг тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи, айниқса, Қозоғистон ва Қирғизистон олий таълим муассасалари, бевосита ушбу мамлакатларнинг бир қатор олимлари билан ўрнатган алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини

Буни, аввало, турли даврлар-да Марказий Осиё ҳудудида рўй берган воқеа-ҳодисалар тарихини ўрганиш, ҳолисона ёритиш, жумладан, қатағонга тортилган кишиларни аниқлаш, уларнинг тақдирига оид маълумотларни қидириб топиш ва эълон қилиш борасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар мисолида кўриш мумкин.

Университетнинг Қозоғистон олий таълим муассасалари билан бу борадаги ҳамкорлиги 2017 йил 23 июнда Қозоғистон миллий педагогика университети-да “Алашўрда, Туркистон мух-торияти: юз йил оша ташланган назар, позиция, хулосалар” мав-зуида ўтказилган халқаро ил-мий-амалий анжуман тўғрисида аниқлаш мумкин. Маз-кур тадбирда олий таълим му-ассасасининг профессори, та-рих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов иштирок этиб, Тур-кистон мухторияти ва унинг

институтлари тарихчи олимлари, қирғизистонлик илмий ходимлар 70 га яқин маъруза ва илмий мақолалари билан қатнашди.

Президентимизнинг тарихчи холис ўрганиш, тарихий адолат-ни тиклаш, ёшларда миллий ғурурни юксалтиришга бераёт-ган алоҳида эътибори тўғрисида 2018 йил 15 августда Андижон-да Қатағон қурбонлари хотира-си музейи очилиши сабабли қатағон мавзуси бўйича қардош Қозоғистон, Қирғизистон олим-лари билан илмий шериклик до-ираси янада кенгайди. Жалоло-бод давлат университетида а-мири лашкар Алимкул ҳаёти ва фаолиятига бағишланган халқ-аро илмий-амалий анжуманни тайёрлаш ва уни ўтказишда Ан-дижон давлат университети ил-мий ходимлари фол қатнашди.

Қозоғистонлик олима Кулғазира Балтабаева Олмаота шаҳрида “ХХ асрнинг 20 — 50-йилларида Ўрта Осиё рес-публикалари ҳудудида сиёсий қатағон қилинган қозоқлар” мавзусида бўлиб ўтган илмий-ама-лий анжуманда Андижон давлат уни-верситети профессорлари ва уларнинг тақдири (1917 — 1991 йиллар) мавзусида Андижонда ўтказилиши режалаштирилган халқаро илмий-амалий конференцияларга тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда.

публикалари ҳудудида сиёсий қатағон қилинган қозоқлар” мавзусида бўлиб ўтган илмий-ама-лий анжуманда Андижон давлат уни-верситети профессори Рустамбек Шамсутдиновга миннатдорлик изҳор этиб, шундай деди: “Рустамбек Шамсутдинов ўтган асрнинг 20 — 50-йилла-ридаги тоталитаризм ва сиёсий қатағонларнинг мураккаб муам-моларини назарий ҳал қилишга, ҳужжатлар ва материалларнинг дастлабки тематик тўпламлари-ни нашр этишга, илмий-педаго-гик кадрларни тайёрлашга кат-та ҳисса қўшди. Собиқ иттифоқ даврида Ўзбекистон ҳудудида қозоқларнинг қатағон қилиниши-га доир мавзуларни биз Қозо-ғистонда туриб ўрганишни ай-нан унинг фундаментал асарла-ридан бошладик. Олимнинг Ўзбекистон, Украина, Россия ар-хивларида амалга оширган из-ланишлари тўғрисида кўплаб қозоқларнинг исм-шарифлари деярли йўқ жойдан пайдо бўлди”.

Қ а й д э т и ш ж о и з к и ,

Р. Шамсутдиновнинг китобла-рида 30 мингдан ортиқ сиёсий қатағонлар қурбонларининг рўйхати мавжуд бўлиб, уларда нафақат ўзбеклар ва қозоқлар, балки тожиклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, эрон, афғон, рус, беларус, украин, озарбайжон, немис, арман, яҳудий ва бошқа мил-латлар вакиллари ҳақида ҳам маълумотлар жамланган.

Кейинги йилларда Андижон давлат университетида олиб бо-риллаётган илмий тадқиқотларни, диссертацияларни ҳимоя қилиш жараёنларида қўшни мамлакат-лар олимларини расмий оппо-нент сифатида жалб этиш ама-лиёти кенг қўлланилмоқда. Бир-гина Ўзбекистон тарихи фани йўналиши бўйича сўнгги йилла-рида университетда тайёрланган докторлик ва номзодлик диссер-тацияларига Қозоғистондан академик М. Койгелдиев, қирғизистонлик профессорлар Т. Кененсариев, Т. Чороев расмий оппонентлик қилишди.

Андижон давлат университети ҳамда Қозоғистоннинг Ч. Валихонов номидаги Тарих ва этнология институти ўртасида илмий ҳамкорлик тўғрисида меморандум тузилди. Бу ҳужжат тўғрисида томонлар ўртасидаги илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш борасидаги шериклик янги мазмун билан бойиди. Айни пайтда шу йил 14 сентябрда “ХХ асрнинг 20 — 50-йилларида Ўрта Осиё республикалари ҳудудида қозоқлар ўртасида амалга оширилган сиёсий қатағонлар” мавзусида Олмаотада, келаси йили “Ўрта Осиё республикаларида қатағон қилинган ўзбекистонликлар ва уларнинг тақдири (1917 — 1991 йиллар) мавзусида Андижонда ўтказилиши режалаштирилган халқаро илмий-амалий конференцияларга тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда.

М. ХУДОЁЕВ,
Д. ҲОМИДОВ,
Андижон давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси музейи ходимлари.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИ УНИНГ АҲОЛИ ТАБАҚАЛАНИШИ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Ҳар қандай давлатда барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг муҳим шартини, бу — аҳоли саломатлигидир. Иббот талаб қилмайдиган аксиома шундаки, биз соғлом бўлсакгина фалол ҳаёт кечира оламиз. Шу боис мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматлари қўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш учун изчил ислохотлар давом эттириляётир.

Мамлакатимизда ҳозирда соғлиқни сақлаш харажатлари Глобал соғлиқни сақлаш харажатлари индекси бўйича ялпи ички махсулот (ЯИМ)нинг 6,4 фоизини ташкил этади. Ишловчиларнинг 5,1 фоизи ана шу секторда аҳолига хизмат қўрсатади.

Долзарб мавзу

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигининг ҳолати туғилишда қутилаётган умр кўриш давомийлиги 73,3 ёш ва ўртача ўлим даражаси (минг аҳолига нисбатан 4,9) билан тавсифланади. Бу, шубҳасиз, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш хизматларини қўрсатишда эришилган икбобий натижадир.

Лекин бу борада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида самарасиз харажатлар улушининг юқорилиги ва мазкур хизматлардан фойдаланишда аҳоли табақалани-шининг кучайиши, шифокорлар ҳамда соғлиқни сақлаш хизматлари (ССХ) қўрсату-вчи ходимларнинг маошлари республи-камизда энг минимал даражада, яъни ўртача иш ҳақининг 70 фоизини ташкил этиши, ССХ қўрсатиш моделининг ихти-сослаштирилган шифохоналар устуворли-гига қаратилган ҳамда бошқаларни қўрсатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қан-дай соҳа, жумладан, соғлиқни сақлаш ҳам самарали молиялаштириш тизимсиз рив-ожлана олмайди. Сметали молиялашти-риш тизими эскиргани, халқаро амалиёт-га мос келмайдиган механизмларга асос-лангани тўғрисида молия ресурсларининг самарасиз ишлатилиши ва уларнинг чек-лангани соҳанинг сурункали тарзда моли-ялаштирилиб қилишига олиб келганди.

Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасининг му-ҳим ҳамда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларидан бирига айланди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида ривожлан-ган мамлакатлар тажрибасидан келиб чи-қиб, давлат-хусусий шериклигини ривож-лантириш йўли танланди ва соғлиқни сақ-лаш тизимида хусусий хизматлардан фой-даланиш йўлга қўйилди.

Президентимизнинг тегишли Фармони-га кўра, хусусий клиникаларга қўрсатили-ши мумкин бўлган хизматлар сони 50 та-дан 129 тагача етказилиши ва хусусий тиб-биёт ташкилотларига солиқлар ҳамда дав-лат мақсадли бадалларидан белгиланган



Давлат бюджетини ҳамда фондлар орқали аҳолига қайтиб келиши табақаланиш дара-жасини қисқартириш ва ночорларга ёрдам қўрсатиш имконини беради.

Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида тўғридан-тўғри тўловлар соҳани моли-ялаштиришнинг энг адолатсиз шакли бўлиб, у регрессив характерга эга. Чунки аҳолининг барча қатлами бир хил тўлов қилиши, уларнинг даромадларида тиббий хизматлар улушининг юқори даражада фарқланишида акс этади.

Молиялаштириш тизимида аҳоли хара-жатларининг юқорилиги табақаланишнинг чуқурлашуви, камбағал қатламнинг тиб-бий хизматлардан етарлича фойдалана-олмаслигига олиб келади.

Ҳаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти та-всисига кўра, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолининг тўғридан-тўғри хусусий тўло-влари улушини 20 фоиздан ортиши тизим-нинг молиявий беқарорлиги белгиси ва аҳоли учун юқори риск мавжудлигига да-лолат бўлади.

Президентимизнинг 2021 йил 25 март-даги “Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғри-сида”ги қарорига кўра, Ўзбекистон Рес-публикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига асос соли-нди. 2021 йил 12 июнда “Ўзбекистон Рес-публикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тўғрисида ни-зомини тасдиқлаш ҳақида” Вазирлар Маҳ-камасининг қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қаро-ри билан 2020 йил 1 декабрдан Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ташкил эти-либ, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Кафолатланган «пакет» нима?

Давлат тиббий сугурта жамғармаси ка-фолатланган “пакет” асосида аҳолининг бар-ча қатламига сифатли ҳамда тўлиқ тиббий ёрдам қўрсатилишини молиялаштиришга

қаратилган. Давлат тиббий сугуртаси меха-низмлари босқичма-босқич жорий этилиши-дан кўзланган мақсад аҳолига қўрсатилаёт-ган тиббий хизмат сифати ва қўламини оши-риш, ундан фойдаланишда барчага бир хил имконият яратиш, тиббий хизматлар учун бирданига катта миқдордаги маблағни тўлай олмаслик “катастрофик харажатлари” ҳав-фининг олдини олиш кабиларидир.

Тиббий сугурта учун аҳоли ўз дарома-дидан ажратма (бадал)лар тўламайди, у Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, мажбурийлик характе-рига эга эмаслиги сабабли Давлат тиб-бий сугуртаси тизими, деб белгиланган. Тиббий бепул хизматлар кафолатланган “пакет” доирасида амалга оширилади.

Тегишли қарор асосида кафолатланган “пакет”га киритилмайдиган бепул тиббий хиз-матлар ҳажми Соғлиқни сақлаш вазирли-ги томонидан тасдиқланади. Кафолатлан-ган “пакет”га оила шифокори қабули, кон-сультация, ўн турдан ортиқ диагностика, ла-

“Тиббий сугурта учун аҳоли ўз даромадидан ажратма (бадал)лар тўламайди, у Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, мажбурийлик характерига эга эмаслиги сабабли Давлат тиббий сугуртаси тизими, деб белгиланган. Тиббий бепул хизматлар кафолатланган “пакет” доирасида амалга оширилади.”

боратор текширувлар ҳамда 66 турдаги дори воситалари, тиббий буюмлар, сарф-лов материаллари, стоматология хизмати киритилган бўлиб, ушбу хизматлар аҳоли-га бепул қўрсатилади.

Кафолатланган “пакет” асосида тиб-бий хизматлар қўрсатишга нодавлат тиб-биёт ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин. Республика даражасидаги шифо-хоналарга йўлланмалар вилоят соғлиқни сақлаш бoshқармаси томонидан тасдиқ-ланади. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, шунингдек, кафолатланган “па-кет”га киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда қўрсатилади.

Аслида қўрсатилган хизматлар олдин ҳам бўлган, факатгина назорат етарли даража-да эмаслиги тўғрисида самараси паст бўлган. Тиббий хизматлар учун энди маблағни Дав-лат тиббий сугуртаси жамғармаси тўлайди ва унинг мақсадли сарфланиши бўйича на-зоратини ҳам олиб боради.

Мазкур қарор аҳолига тиббий ёрдам қўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва қўламини ошириш, бирламчи тиббий-сани-тария ёрдами қўламини кенгайтириш, соҳа-га босқичма-босқич тиббий сугурта тизи-мини жорий этиш, тиббий хизматлар бозо-рида замонавий рақобат мўҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва си-фатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган.

Ҳужжат ихросини таъминлаш мақсади-да Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тиббий сугурта жамғармаси ва Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бoshқармаси би-лан ҳамкорликда давлат тиббий сугурта-си механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасига асосланган янги тизимни ишга тушириш, аҳолига ка-фолатланган “пакет” ҳисобидан тиббий хизмат қўрсатиш борасидаги ишлар бошлаб юборилди.

Фақатгина тиббий сугуртанинг талаб-ларига риоя этиш, етарлича малака ва

занат даражасини Давлат тиббий сугурта жамғармаси мониторинг бoshқармаси олиб бориши, таҳлил қилиши ва ўз тавсияла-рини бериши керак.

Жами харажатларда аҳоли тўловлари улушининг кўпчилиги аҳолининг ССХдан фой-даланишда табақаланишини кучайтиради, аҳолининг ночор қатламининг сифатли тиб-бий хизматлардан фойдалана олмаслиги-га олиб келади.

Ҳаҳон тажрибасида соғлиқни сақлаш хиз-матларидан фойдаланишдаги бу муаммо мажбурий сугурталаш орқали ечилиши ҳамда унга иш бериувчилар жалб этилади. Респу-бликамизда бундай мажбурий сугурталаш ме-ханизми йўқ. Иш бериувчилар ҳозирча соғ-лиқни сақлаш бўйича мажбурий сугурталаш жараёнида қатнашишга тайёр эмас. Шу маъ-нода, ҳозирда давлат ихтиёрий тиббий су-гуртасини жорий қилишга эътибор қарати-ляётир. Бизнингча, келгусида ҳаҳон тажри-басидан келиб чиқиб, иш бериувчиларни ҳам сугурталаш жараёнида қатнашишлари асо-сида мажбурий сугурталашга ўтиш мақсад-га мувофиқ. Унга юртимиздаги йирик иш бериувчи компаниялар ва масъулияти чек-ланган жамиятларни жалб этиш лозим.

Лекин ҳозирги ўтиш босқичида фикри-мизча, мутасадди ташкилотлар ССХ аҳоли тўловлари улушини пассивитари чора-тадбир-ларини ишлаб чиқиши, жумладан, турли му-олажа тарифларини синчиқлаб ўрганиш, мо-ниторинг асосида кўриб чиқиш ва мувофиқ равишда қарор қабул қилишлари зарур.

Бизнингча, бу мақсадларни амалга оши-риш қай даражада натижа беради, синов-тажриба жараёнининг синчковлик билан мониторингини олиб бориш зарур. Чунки аввал тўғридан-тўғри молиялаштириш амалга оширилган. Энди ўртага яна бир занжир ҳалқаси — Давлат тиббий сугурта жамғармаси қўшилди. Бу — трансакцион харажатлар қўйилди, дегани.

Таҳлил қилиш жараёнида фойдаланиш учун Давлат тиббий сугурта жамғармаси Мониторинг бoshқармаси иқтисодий қўрсаткичлар билан бир қаторда ноиқти-содий қўрсаткичлар, жумладан, қўрсати-лган хизматлардан аҳолининг қониқиш дара-жаси ҳамда уни ифодаловчи қўрсаткич-лар рўйхатини ишлаб чиқиши ва унинг асо-сида сўровнома ўтказиши зарур.

Барча иқтисодий йўналишлар бўйича ба-калаврларга, шунингдек, тиббиёт олий ўқу-юртларининг тиббиётда менежмент йўна-лишлари учун ўқув режасига “Институцио-нал иқтисодиёт” модулини киритиш ҳамда аралаш ижтимоий неъматлар яратувчи, жумладан, соғлиқни сақлаш иқтисодиёти-ни чуқур ўрганишларини таъминлаш мақ-сада мувофиқдир.

Дилором ТОЖИБОЕВА,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловна 71-232-11-15.

Табририятта келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Муасхих — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 01.15

1 2 3 4 5 6